

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ҚАРОРИ

**ЮРИДИК ХИЗМАТ ФАОЛИЯТИНИ ТУВДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ
ТЎҒРИСИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 4-сон, 50-
модда)*

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари (кейинги ўринларда – давлат органлари ва ташкилотлари деб аталади) фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Қонунчиликка риоя этишда давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги, шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини амалга оширадиган юридик хизматлари кўмаклашади.

Шу билан бирга, юридик хизматларнинг ходимлари қонун бузилишини олдини олиш ҳамда улар бўйича ўз вақтида чоралар кўриш учун етарли ва таъсирчан ваколатларга эга эмасликлари сабабли уларнинг фаолияти кутилган самарани бермаяпти.

Юридик хизматларни ташкил этишнинг тартиби, уларнинг штат бирликларини белгилаш меъёр ва мезонларининг мавжуд эмаслиги турли давлат органлари ва ташкилотларида юридик хизматларнинг ташкилий штат тузилмасини оқилона белгилашни таъминлашга имкон бермаяпти.

Юридик хизматлар томонидан ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ишлари самарали ташкил этилмаган. Мазкур соҳадаги ишлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан аниқланган камчилик ва қонун бузилишларини бартараф этишга қаратилган чораларни кўриш билан чекланмоқда.

Юридик хизмат ходимларининг моддий таъминот даражаси мазкур соҳага олий юридик маълумот ва амалий тажрибага эга юқори малакали кадрларни жалб қилишга тўсқинлик қилмоқда, бу эса юридик хизматлар ишининг сифатига ўз таъсирини ўтказмоқда.

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида қонунийликни янада мустаҳкамлаш, демократик ва ҳуқуқий ислохотларни амалга оширишда юридик хизматларнинг роли ва жавобгарлигини изчиллик билан кучайтириш мақсадида:

1. Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматлари фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

давлат органлари ва ташкилотларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашни ташкил этиш;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилаётган (қабул қилинаётган) норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлиги устидан назоратни олиб бориш;

давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан

таклифларни тайёрлаш масалаларида уларнинг таркибий тузилмалари ишини мувофиқлаштириш;

давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали етказишда иштирок этиш;

шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритиш, давлат органлари ва ташкилотларининг мулкий ва бошқа манфаатларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш.

2. Белгилаб қўйилсинки:

давлат органлари ва ташкилотларида, шу жумладан уларнинг ҳудудий тузилмаларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган энг кам меъёр ва мезонларга асосан, мажбурий тартибда юридик хизматлар ташкил этилади. Бунда юридик хизматнинг мавжуд штат бирликларини қисқартирилишига йўл қўйилмайди;

давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимларига адлия органлари ходимларига белгиланган мартаба даражаларини бериш, кўп йиллик хизмат учун устамаларни тўлаш тартиби татбиқ этилади. Бунда харажатлар давлат органлари ва ташкилотларининг маблағлари ҳисобидан қопланади;

юридик хизмат ходими сифатидаги меҳнат стажи ходим бошқа давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларига ишга ўтганда мартаба даражалари ва кўп йиллик хизмат устамаларини тўлаш учун мўлжалланган меҳнат стажи ҳисобига олинади;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан юридик хизмат ходимларига қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган функциялар юклатилишига йўл қўйилмайди;

давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматларининг мазкур мутахассислик бўйича уч йиллик стажига эга бўлган ходимлари, лицензия олиш учун адвокат мақомига эга бўлишга талабгор шахс сифатида малака имтиҳонида тегишли стажировка ўтмасдан иштирок этиш ҳуқуқига эга;

давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимларининг малакасини ошириш ҳар уч йилда камида бир марта амалга оширилади;

давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимлари тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ва унинг ҳудудий органларида ҳар уч йилда бир марта аттестациядан ўтадилар;

давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари тизимли равишда тегишли соҳа фаолиятидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасининг амалга оширилишини ташкил этади;

давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат фаолиятига шартномавий-ҳуқуқий асосда адвокатларни жалб этиш ҳуқуқига эга.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари мазкур органлар ва ташкилотлар иштирокида вужудга келадиган

низоларни судгача ҳал этиш юзасидан мажбурий тартибда чораларни кўрадилар;

буйруқлар, фармойишлар, шартномалар ва юридик хусусиятга эга бўлган бошқа ҳужжатларнинг лойиҳалари ҳуқуқий экспертизани амалга ошириш учун мажбурий тартибда юридик хизматга тақдим этилади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга таъсир этадиган давлат органлари ва ташкилотларининг қарорлари юзасидан мажбурий тартибда юридик хизматнинг хулосаси олиниши лозим;

давлат органлари ва ташкилотларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги юзасидан берилган шикоятлар мажбурий тартибда давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари томонидан ҳам кўриб чиқилади;

давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш масалалари мажбурий тартибда адлия органлари билан келишилади;

адлия органлари юридик хизмат фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик талабларини бузган давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбарлари ҳамда юридик хизматлари ходимларига нисбатан интизомий иш юритишни кўзғатиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқига эга;

давлат органлари ва ташкилотларида ҳар йили юридик хизматларнинг мазкур давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийлик таъминланиши аҳволи тўғрисидаги ҳисоботи эшитилади;

юридик хизмат ходимлари ҳар чоракда судгача ва суд тартибда давлат органи ва ташкилоти фойдасига ҳал қилинган низолар юзасидан ундирилган сумманинг 5 фоизи, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробаридан кўп бўлмаган миқдорда мукофотланади.

4. Қуйидагилар:

Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисидаги Низом [1-иловага](#) мувофиқ;

Юридик хизмат ходимларининг мартаба даражалари тўғрисидаги Низом [2-иловага](#) мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва методик таъминлаш, уларнинг ходимларини аттестациядан ўтказиш ва малакасини ошириш бўйича махсус ваколатли орган этиб белгилансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида қўшимча 5 та бошқарув ходими штат бирликларини ажратиш йўли билан Юридик хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва методик таъминлаш бошқармаси (кейинги ўринларда – Бошқарма деб аталади), Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида эса, қўшимча 14 та бошқарув ходими штат бирликларини ажратиш йўли билан тегишли шўьбалар ташкил этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги икки ойлик муддатда:

Бошқармани давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари билан ишлаш тажрибасига эга ҳамда ўзларига юклатилган вазифалар ижросини юқори касбий даражада таъминлай оладиган малакали кадрлар билан тўлдирсин, шунингдек уни зарур моддий-техника воситалари билан жиҳозланишини ташкиллаштирсин;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги билан биргаликда Юридик хизмат ходимининг иш жойини моддий-техника жиҳатидан жиҳозлашга доир минимал талабларни тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Адлия вазирлигининг расмий сайтида жойлаштириладиган, давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматларидаги бўш иш ўринлари тўғрисидаги ягона, ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган маълумотлар базасини, яратсин ҳамда унинг мунтазам равишда янгиланиб турилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган давлат органлари ва ташкилотларининг харажатлари сметаларида мартаба даражалари ҳамда кўп йиллик хизмат учун устамаларни тўлаш, шунингдек мазкур қарор билан белгиланган даврийликка риоя этган ҳолда юридик хизматлар ходимларининг малака оширишлари учун сарфланадиган харажатларни назарда тутсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги уч ойлик муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Меҳнат вазирлиги билан биргаликда давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмат ходимлари штат бирликлари етарлилигини, уларнинг амалга оширилаётган ишлар ҳажмига мувофиқлигини танқидий таҳлил қилсин, натижаси бўйича юридик хизматлар ходимларининг штат бирликларини қайта кўриб чиқиш, шунингдек юридик хизмат ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш разрядларини давлат органлари ва ташкилотлари тегишли тузилмаларининг раҳбарлариники даражасига қадар ошириш юзасидан таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни киритсин.

10. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.А. Ахмедбаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,

2017 йил 19 январь,

ПҚ-2733-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон қарорига
1-ИЛОВА

Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматига (кейинги ўринларда – юридик хизмат деб аталади) қўйиладиган талабларни, уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайди.

2. Ушбу Низом мақсадлари учун давлат органлари ва ташкилотлари деганда, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари тушунилади.

3. Бошқа ташкилотлар учун ушбу Низом талаблари тавсиявий хусусиятга эга.

4. Юридик хизмат – давлат органи ва ташкилоти фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш мақсадида қонунчиликда белгиланган меъёр ва мезонларга мувофиқ мажбурий тартибда ташкил этиладиган ёки жорий қилинадиган мустақил таркибий тузилма ёхуд лавозим.

Юридик хизмат бевосита давлат органи ва ташкилотининг раҳбарига бўйсунди.

5. Юридик хизмат юридик департамент, юридик бошқарма, юридик бўлим, юридик бюро шаклида ташкил қилиниши ёхуд битта штатдан иборат бош юрисконсулт, етакчи юрисконсулт, катта юрисконсулт ёки юрисконсултдан иборат бўлиши мумкин.

Юридик хизматнинг мавжуд штат бирликларини қисқартиришга ва уларни давлат органи ва ташкилотининг бошқа таркибий тузилмаларига қайта тақсимлашга йўл қўйилмайди.

6. Юридик хизмат ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

7. Юридик хизмат ходими ёхуд юрисконсулт лавозимида олий юридик маълумотга эга бўлган шахс ишлаши мумкин.

Юридик хизмат бошлиғи лавозимига олий юридик маълумотга ва юридик мутахассислик бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлган шахс тайинланади.

Юридик хизмат ходими лавозимига биринчи марта тайинланган шахслар белгиланган тартибда адлия органларида стажировкадан ўтадилар.

Адлия органларида стажировкадан ўтиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

8. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, шунингдек республика даражасидаги давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати ходимлари лавозимга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда тайинланадилар ва озод қилинадилар.

Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, шунингдек ҳудудий даражадаги давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати ходимлари лавозимга Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари билан келишилган ҳолда тайинланадилар ва озод қилинадилар.

Юридик хизмат ходимини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш масалаларини адлия органлари билан келишиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

9. Давлат органи ва ташкилотда юрисконсулт ёрдамчиси лавозими жорий этилиши мумкин.

Юрисконсулт ёрдамчиси лавозимида олий ёки ўрта махсус юридик маълумотга эга бўлган шахс, шунингдек олий таълим муассасасининг «Юриспруденция» мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган бакалаврият босқичининг битирувчи курси талабаси ёки магистранти ишлаши мумкин.

10. Белгиланган тартибда муомалалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар юридик хизмат ходими ва юрисконсулт ёрдамчиси лавозимида ишлаши мумкин эмас.

11. Давлат органи ва ташкилотининг юридик хизмати ходимларига мартаба даражалари берилади ҳамда кўп йиллик хизмат учун қўшимча тўлов ва устамалар қонунчиликда белгиланган тартибда тўланади.

12. Давлат органи ва ташкилоти юридик хизматининг ходими сифатидаги меҳнат стажи бошқа давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларига ўтганда мартаба даражалари ва кўп йиллик хизмат учун қўшимча тўлов ва устамаларни тўлаш учун мўлжалланган меҳнат стажи ҳисобига олинади.

13. Давлат органи ва ташкилоти юридик хизматлари ходимлари қонунчиликда белгиланган тартибда ҳар уч йилда камида бир марта малакасини оширади ҳамда ҳар уч йилда бир марта аттестациядан ўтадилар.

14. Давлат органлари ва ташкилотларида ҳар йили мазкур давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликка риоя этилиши аҳволи тўғрисидаги юридик хизматнинг ҳисоботи эшитилади.

2-боб. Юридик хизмат фаолиятининг асосий йўналишлари ва функциялари

15. Қуйидагилар юридик хизмат фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади:

давлат органи ва ташкилотининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашни ташкил этиш;

давлат органи ва ташкилоти томонидан ишлаб чиқиладиган (қабул қилинадиган) норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлиги устидан назоратни олиб бориш;

давлат органи ва ташкилотининг қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифларни тайёрлаш масалаларида уларнинг тузилмалари ишини мувофиқлаштириш;

давлат органлари ва ташкилоти ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун ва аҳамиятини, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали етказишда иштирок этиш;

шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритиш, давлат органи ва ташкилотининг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш.

16. Юридик хизмат фаолиятининг асосий йўналишларини бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

1) давлат органлари ва ташкилотларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашни ташкил этиш соҳасида:

а) давлат органи ва ташкилотида, шунингдек тегишли тузилмаларда қонун бузилишларини, уларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан таклифлар киритади, ушбу чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади;

б) давлат органи ва ташкилоти раҳбариятига тақдим қилинадиган буйруқлар, фармойишлар, шартномалар ва юридик тусдаги бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини уларнинг қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказади ҳамда улар бўйича эътироз ва таклифлар бўлмаса, виза қўяди. Бунда лойиҳаларга юридик хизмат томонидан давлат органи ва ташкилотининг бошқа таркибий тузилмаларидан (ходимларидан) кейин виза қўйилади;

в) жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга таъсир этадиган давлат органлари ва ташкилотларининг қарорлари юзасидан хулосалар беради;

г) мустақил равишда ёки бошқа тузилмалар билан биргаликда давлат органи ва ташкилотининг буйруқлари, фармойишлари, шартномалари ва юридик тусдаги бошқа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида таклифлар тайёрлайди;

д) давлат органи ва ташкилотида, шунингдек тегишли тузилмаларда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганади, таҳлил қилади ва умумлаштиради, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди ва раҳбариятга киритади;

е) давлат органи ва ташкилотининг бошқа тузилмалари билан биргаликда давлат органи, тегишли тузилмалар ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятида қонунийликнинг бузилиши кўрсатилган аризалар, таклифлар ва шикоятларни кўриб чиқишда иштирок этади;

ж) давлат органи ва ташкилотида бошқарув тизимини такомиллаштириш, давлат органи тизимига кирадиган тузилмалар ва уларнинг мансабдор шахсларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда иштирок этади;

з) давлат органи ва ташкилотида меҳнат ҳақидаги қонунчиликка риоя этилишини таъминлашда, шу жумладан меҳнат

муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатларни (меҳнат шартномаси, жамоа шартномаси, жамоа битими ва бошқаларни) ишлаб чиқишда иштирок этади, ушбу ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлигини текширади ва ҳуқуқий хулоса беради;

и) давлат органи ва ташкилоти раҳбариятига давлат органи ва ташкилоти фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш аҳволи юзасидан ҳисобот тақдим этади;

к) давлат органи ва ташкилоти ходимларининг касаба уюшмалари ва бошқа вакиллик органларига ваколатларини амалга оширишда юридик ёрдам кўрсатади;

2) давлат органи ва ташкилоти томонидан ишлаб чиқиладиган (қабул қилинадиган) норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлиги устидан назоратни олиб бориш, шунингдек давлат органи ва ташкилотининг қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан тақлифларни тайёрлаш масалаларида унинг тузилмалари ишини мувофиқлаштириш соҳасида:

а) давлат органи ва ташкилотининг норма ижодкорлиги фаолиятининг жорий ва истиқболли режаларини ишлаб чиқади ёки уларнинг ишлаб чиқилишида, амалга оширилиши ва бажарилишини назорат қилишда иштирок этади;

б) давлат органи ва ташкилоти ваколатига кирадиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ёхуд ишлаб чиқишда иштирок этади;

в) давлат органи ва ташкилотининг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқади ёхуд уларни ишлаб чиқишда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва давлат рўйхатига олиш учун юборишда иштирок этади;

г) экспертизадан ўтказиш ёки келишиш учун тақдим этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини мустақил ёки бошқа тузилмалар билан биргаликда ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, уларнинг қонунчиликка, қонунчилик техникаси қоидаларига, ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослилиги ва мақсадга мувофиқлиги, шунингдек уларда коррупцияга сабаб бўладиган омилларнинг мавжуд эмаслиги юзасидан ҳуқуқий хулосалар тайёрлайди;

д) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича эътироз ва таклифлар бўлмаса, уларга виза қўяди. Бунда лойиҳаларга юридик хизмат томонидан давлат органи ва ташкилотининг бошқа таркибий тузилмаларидан (ходимларидан) кейин виза қўйилади;

е) тизимли равишда давлат органи ва ташкилотининг тегишли соҳа фаолиятидаги амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг уларда коррупцияга сабаб бўладиган омилларни аниқлашга қаратилган таҳлилни ўтказиш;

ж) давлат органи ва ташкилоти фаолияти соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда иштирок этади;

з) давлат органи ва ташкилотига келиб тушган ва ўзи томонидан чиқарилган ҳужжатлар, шу жумладан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини белгиланган талабларга

мувофиқ юритади, уларнинг сақланишини ва назорат ҳолатида бўлишини таъминлайди;

и) давлат органи ва ташкилотининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фондини тўлдириш, шу жумладан фондни кодекслар, қонунлар, шарҳлар, ахборотномалар ва бошқа ҳуқуқий нашрлар билан бутлаш чораларини кўради, давлат органи ва ташкилоти раҳбариятига ҳуқуқий нашрларга обуна бўлиш ҳақида таклифлар киритади;

к) давлат органи ва ташкилоти ваколатига кирадиган масалалар бўйича қонун ҳужжатлари тўпламларини нашр этишга тайёрлайди;

л) давлат органи ва ташкилоти тизимига кирадиган тузилмаларнинг юридик хизматлари фаолиятини мувофиқлаштиради, келишилган ҳамкорликни таъминлайди;

м) давлат органи ва ташкилоти тизимига кирадиган тузилмаларнинг ҳуқуқий ишларига методик ёрдам кўрсатади, юридик хизмат фаолияти йўналишлари бўйича тавсияномалар ва кўрсатмаларни ишлаб чиқади;

3) давлат органи ва ташкилоти ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун ва аҳамиятини, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали етказиш соҳасида:

а) давлат органи ва ташкилоти раҳбарияти учун қонунчилик масалалари бўйича таҳлилий материаллар тайёрлайди;

б) давлат органи ва ташкилоти, шунингдек унинг тизимига кирадиган тузилмалар ходимларининг ҳуқуқий билимларини ошириш тадбирларини ташкил этиш тўғрисида таклифлар киритади, ушбу тадбирларни ўтказишда иштирок этади;

в) давлат органи ва ташкилоти фаолиятига тегишли қонунчиликни тарғиб қилиш ишларини амалга оширади;

г) зудлик билан давлат органи ва ташкилоти ахборот хизматида давлат органи ва ташкилоти веб-сайтига жойлаштириш мақсадида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг мазмун ва аҳамияти тўғрисида маълумотлар киритади;

д) давлат органи ва ташкилоти ходимларининг мурожаатлари бўйича уларга давлат органи ва ташкилоти фаолиятига тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни топишга кўмаклашади, зарур ҳолларда уларнинг қоидалари бўйича тушунтиришлар беради;

е) қонунчиликка киритилган ўзгартиришлар ҳақидаги маълумотларни, суд амалиётини, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ҳуқуқий ишларга тааллуқли кўрсатмаларини давлат органи ва ташкилоти тизимига кирадиган тузилмаларга етказиши;

4) шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритиш, давлат органи ва ташкилотининг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасида:

а) давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек фуқаролар билан низолар вужудга келганда, мустақил ёки бошқа таркибий тузилмалар билан биргаликда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўради;

б) бошқа тузилмалар билан биргаликда давлат органи ва

ташкilotи томонидан шартномаларни тайёрлаш ва тузиш ишларида иштирок этади, уларнинг қонунчиликка мувофиқлигини текширади ҳамда шартномалар лойиҳаларига, агар эътироз ва таклифлар бўлмаса, виза қўяди. Бунда лойиҳаларга юридик хизмат томонидан давлат органининг бошқа таркибий тузилмаларидан (ходимларидан) кейин виза қўйилади;

в) шартномаларни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилади;

г) давлат органи ва ташкilotи томонидан тузилган шартномаларни зарур даражада бажариш бўйича таклифлар киритади, шартномавий муносабатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишда иштирок этади;

д) давлат органи ва ташкilotининг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича талабномалар тайёрлашда ва давлат органи ва ташкilotига нисбатан билдирилган талабномаларни кўриб чиқишда иштирок этади, давлат органи ва ташкilotида талабномалар билдириш ва уларни кўриб чиқиш тартибига риоя этилишини назорат қилади;

е) тегишли тузилмалар билан биргаликда давлат органи ва ташкilotининг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аҳволини ўрганади, уларнинг миқдорини камайтириш чораларини кўради;

ж) шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар юзасидан даъво ишларини олиб боради;

з) давлат органи ва ташкilotининг мулкий ва бошқа манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлашда ҳамда белгиланган тартибда суд мажлисларида иштирок этади;

и) мулкни сақлаш масалалари бўйича ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлар лойиҳаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текширади ва уларни тайёрлашда иштирок этади;

к) бошқа таркибий тузилмалар билан биргаликда давлат органи ва ташкilotида мулкнинг талон-торож қилиниши, камомад ва ноишлаб чиқариш харажатларининг келиб чиқиши сабаблари ва шароитларини таҳлил қилади ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўради, мулкнинг талон-торож қилиниши ва камомад ҳолатлари бўйича материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юбориш учун расмийлаштиради;

л) моддий бойликлар ва пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек қонун бузилишлари ва суиистеъмоллар аниқланган аудиторлик текширувлари ва хатловдан ўтказиш далолатномалари бўйича ҳуқуқий хулосалар беради.

Давлат органи ва ташкilotининг юридик хизмати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

17. Юридик хизмат ва унинг ходимларига ушбу Низомда ёки бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган функциялар юклатилишига йўл қўйилмайди.

3-боб. Юридик хизматнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

18. Юридик хизмат қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат органи ва ташкilotига келиб тушаётган норматив-

ҳуқуқий ҳужжатларни танишиш, хизматда фойдаланиш ва уларнинг тизимлаштирилган ҳисобини юритиш учун биринчи навбатда олиш;

давлат органи ва ташкилоти, шунингдек унинг тизимига кирадиган тузилмаларнинг мансабдор шахсларидан юридик хизматга юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни олиш;

раҳбарият томонидан чақириладиган ҳуқуқий масалаларга тегишли йиғилишлар, кенгашлар ва мажлисларда иштирок этиш;

раҳбарият топшириғига кўра ёки тегишли тузилма раҳбарининг розилиги билан уларнинг ходимларини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш учун, ҳуқуқий ишларни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа тадбирларга жалб қилиш;

қонунчиликка зид бўлган, қонунчилик техникаси талабларига жавоб бермайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини ижрочиларига пухта ишлаш учун қайтариш, ўз эътирозларини асослаган ҳолда, аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида ҳуқуқий хулосалар бериш, раҳбарият топшириғига кўра ёки ўз ташаббуси билан бошқа тузилмалар билан биргаликда ушбу лойиҳаларни пухта ишланишида иштирок этиш;

давлат органи ва ташкилоти тизимига кирадиган тузилмаларда давлат органи ва ташкилоти ваколатига кирадиган масалалар бўйича қонун ҳужжатларига риоя қилиниши масалаларини ўрганиш;

давлат органи ва ташкилоти, шунингдек унинг тизимига кирадиган тузилмаларнинг қонун ҳужжатлари бажарилишини таъминламаётган ёхуд уларни бузаётган раҳбарлари ва ходимларини жавобгарликка тортиш ҳақида раҳбариятга таклифлар киритиш;

давлат органи ва ташкилотидан, шунингдек унинг тизимига кирадиган тузилмаларда ёки давлат органи ва ташкилоти томонидан ўтказиладиган текширишлар, тафтишлар ва хатловларда, шунингдек уларнинг яқунлари бўйича ҳужжатларни кўриб чиқишда иштирок этиш ҳамда аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан ҳуқуқий хулосалар бериш;

талабнома-даъво тартибда давлат органи ва ташкилоти фойдасига ҳал қилинган низолар юзасидан ундирилган сумманинг 5 фоизи, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробардан кўп бўлмаган миқдорда мукофот олиш.

Юридик хизмат қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

19. Юридик хизмат:

унга ушбу Низом ва бошқа қонун ҳужжатлари билан юкланган функцияларни зарур даражада ва самарали бажариши;

давлат органи ва ташкилотидан, шунингдек унинг тизимига кирадиган тузилмаларда қонун бузилиши ҳолатлари аниқланганлиги тўғрисида зудлик билан тўғридан-тўғри юқори турувчи органга, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериши;

белгиланган тартибда ва муддатларда малака ошириши ва аттестациядан ўтиши шарт.

Юридик хизмат ходими қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

20. Юридик хизмат ўзи виза қўйган ҳужжатларнинг ва ўзи

берган хулосаларнинг қонунчиликка мувофиқлиги учун жавоб беради.

Юридик хизмат ходими ўз мажбуриятлари ва функциялари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

4-боб. Ушбу Низомнинг бажарилишини назорат қилиш

21. Ушбу Низомга риоя этилишини назорат қилиш адлия органлари томонидан амалга оширилади.

Адлия органлари ўз ваколатлари доирасида ушбу Низом ва юридик хизматлар фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари талабларининг юридик хизмат ходимлари ва бошқа мансабдор шахслар томонидан бузилишининг аниқланган ҳолатларини бартараф этишга, шунингдек айбдор шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортишга йўналтирилган чораларни кўради.

Адлия органлари юридик хизмат фаолиятига тегишли ҳужжатларни ва бошқа маълумотларни давлат органлари ва ташкилотларидан сўраб олиш ҳуқуқига эга.

22. Адлия органлари давлат органлари ва ташкилотларида ҳуқуқий ишларни мувофиқлаштиришни амалга оширади, уларни яхшилашга доир тавсиялар ишлаб чиқади, юридик хизматларга кўрсатмалар беради, шунингдек йўл қўйилган аниқланган тизимли камчиликларни бартараф этиш юзасидан методик ёрдам кўрсатади.

23. Ушбу Низом талабларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон [қарорига](#)
2-ИЛОВА

Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларининг мартаба даражалари тўғрисидаги НИЗОМ

1. Ушбу Низом давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг (кейинги ўринларда – давлат органлари ва ташкилотлари деб аталади) юридик хизмат ходимларига махсус унвонлар – мартаба даражаларини бериш тартибини белгилайди.

2. Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларининг махсус унвонлари қуйидаги мартаба даражаларидан иборат:

- 1-даражали адлия маслаҳатчиси;
- 2-даражали адлия маслаҳатчиси;
- 3-даражали адлия маслаҳатчиси;
- 1-даражали юрист;
- 2-даражали юрист;
- 3-даражали юрист.

3. Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларига мартаба даражалари ижобий аттестация, малакаси ва иш стажига мувофиқ, эгаллаб турган лавозимини, олдинги иш ёки хизмат жойида берилган махсус унвонларни, шунингдек

қонунчиликни мустаҳкамлаш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш соҳасидаги хизматларини ҳисобга олган ҳолда изчил тартибда берилади.

4. Мартаба даражалари республика даражасидаги давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг тавсиялари бўйича, шунингдек ўз ташаббусига кўра Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан берилади.

5. Ҳар бир мартаба даражасида бўлиш муддати:

3, 2, 1-даражали юристлар учун – 2,5 йилни;

3, 2, 1-даражали адлия маслаҳатчилари учун – 4 йилни ташкил этади.

6. Ўзбекистон Республикаси адлия вазири:

а) ишда алоҳида ўрнатилган кўрсаткичлари ёки хизмат бурчини намунали ижро этганлиги учун олдинги мартаба даражасида хизмат қилишнинг белгиланган муддати тамом бўлгунга қадар мартаба даражаси беришга;

б) изчилликка риоя қилмаган ҳолда, лекин ходим юқори лавозимга кўтарилаётганда эга бўлган мартабадан икки даража юқори бўлмаган мартаба даражаси беришга;

в) биринчи марта аттестациядан ўтаётган ходимларга улар эгаллаб турган лавозим бўйича назарда тутилганидан бир даража паст мартаба даражалари беришга ҳақлидир.

7. Тегишли малака бўйича иш тажрибасига эга бўлмаган шахсларга мартаба даражаси лавозимга тайинлангандан кейин камида 1 йил ўтгач берилади.

8. Давлат органлари ва ташкилотларининг бир мартаба даражасида белгиланган муддатда хизмат қилган, лекин хизмат фаолиятида ёки хулқ-атворида жиддий камчиликларга эга бўлган юридик хизмат ходимларига навбатдаги мартаба даражаси берилмайди.

9. Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларига берилган мартаба даражалари уларда умрларининг охиригача бўлади ҳамда фақат иш фаолиятига мувофиқ келмайдиган хатти-ҳаракатлари учун ишдан бўшатиш тақдирда улардан маҳрум қилиниши мумкин.

10. Хизмат бурчини қўпол равишда бузганлиги, бадном қилувчи ноҳўя хатти-ҳаракат қилганлиги ёки хизмат вазифаларини мунтазам равишда етарлича бажармаганлиги учун давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларининг мартаба даражалари пасайтирилиши мумкин, лекин улар эга бўлган мартаба даражасидан икки даража паст бўлиши мумкин эмас.

11. Мартаба даражасидан маҳрум қилиш ёки уни пасайтириш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан амалга оширилади.

12. Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларини мартаба даражалари бўйича аттестациядан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ҳайъати томонидан белгиланади.

13. Давлат органлари ва ташкилотларининг мартаба даражалари эга бўлган юридик хизмат ходимларининг лавозим маошларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган миқдорларда қўшимча ҳақ тўланади.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университетининг ректори **Ғ.Рахимов** _____
“ 27 ” февраль 2017й

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги
“Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари
тўғрисида”ги
ПҚ-2733-сонли қарори билан тасдиқланган Низоми асосида ишлаб чиқилган
“Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг юридик хизмати
тўғрисида”ги**

НИЗОМ

1-бўлим. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг (кейинги ўринларда ЎзДЖТУ деб аталади) юридик хизматига (кейинги ўринларда - юридик хизмат деб аталади) қўйиладиган талабларни, уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайди.

2. Юридик хизмат - ЎзДЖТУ фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш мақсадида қонунчиликда белгиланган меъёр ва мезонларга мувофиқ мажбурий тартибда ташкил этиладиган ёки жорий қилинадиган мустақил таркибий тузилма ёхуд лавозим.

Юридик хизмат бевосита ЎзДЖТУнинг ректорига бўйсунди.

3. Юридик хизмат юридик бўлим шаклида ташкил қилиниши ёхуд битта штатдан иборат бош юрисконсулт, етакчи юрисконсулт, катта юрисконсулт ёки юрисконсултдан иборат бўлиши мумкин.

Юридик хизматнинг мавжуд штат бирликларини қисқартиришга ва уларни бошқа таркибий тузилмаларига таксимлашга йўл қўйилмайди.

4. Юридик хизмат ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

5. Юридик хизмат ходими ёхуд юрисконсулт лавозимида олий юридик маълумотга эга бўлган шахс ишлаши мумкин.

Юридик хизмат бошлиғи лавозимида олий юридик маълумотга ва юридик мутахассислик бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлган шахс тайинланади.

Юридик хизмат ходими лавозимида биринчи марта тайинланган шахслар белгиланган тартибда адлия органларида стажировкадан ўтадилар.

Адлия органларида стажировкадан ўтиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

6. Юридик хизмати ходимлари лавозимга Тошкент шаҳар адлия бошқармаси билан келишилган ҳолда тайинланадилар ва озод қилинадилар.

Юридик хизмат ходимини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш масалаларини адлия органлари билан келишиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

7. ЎзДЖТУда юрисконсулт ёрдамчиси лавозими жорий этилиши мумкин.

Юрисконсулт ёрдамчиси лавозимида олий ёки ўрта махсус юридик маълумотга эга бўлган шахс, шунингдек олий таълим муассасасининг “Юриспруденция” мутахассислиги бўйича тахсил

олаётган бакалавриат босқичининг битирувчи курси талабаси ёки магистранти ишлаши мумкин.

8. Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар юридик хизмат ходими ва юрисконсулт ёрдамчиси лавозимида ишлаши мумкин эмас.

9. ЎзДЖТУнинг юридик хизмати ходимларига мартаба даражалари берилади ҳамда кўп йиллик хизмат учун қўшимча тўлов ва устамалар қонунчиликда белгиланган тартибда тўланади.

10. Юридик хизмат ходими сифатидаги меҳнат стажи ходим бошқа давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларига ўтганда, мартаба даражалари ва кўп йиллик хизмат учун қўшимча тўлов ва устамаларни тўлаш учун мўлжалланган меҳнат стажи ҳисобига олинади.

11. ЎзДЖТУ юридик хизматлари ходимлари Қонунчиликда белгиланган тартибда ҳар уч йилда камида бир марта малакасини оширади ҳамда ҳар уч йилда бир марта аттестациядан ўтадилар.

12. ЎзДЖТУ фаолиятида ҳар йили қонун устуворлиги ва қонунийликка риоя этилиши ахволи тўғрисидаги юридик хизматнинг ҳисоботи кенгайтирилган йиғилишларида эшитилади.

2-бўлим. Юридик хизмат фаолиятининг асосий йўналишлари ва функциялари

2

13. Қуйидагилар юридик хизмат фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади:

ЎзДЖТУнинг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашни ташкил этиш;

ЎзДЖТУ томонидан ишлаб чиқиладиган (қабул қилинадиган) норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлиги устидан назоратни олиб бориш;

ЎзДЖТУнинг қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифларни тайёрлаш масалаларида уларнинг тузилмалари ишини мувофиқлаштириш;

ЎзДЖТУ ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун ва ахамиятини, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали етказишда иштирок этиш;

шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритиш, мулкий ва бошқа манфаатларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш.

14. Юридик хизмат фаолиятининг асосий йўналишларини бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

1) ЎзДЖТУнинг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашни ташкил этиш соҳасида:

а) ЎзДЖТУда, шунингдек тегишли тузилмаларда қонун бузилишларини, уларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан таклифлар киритади, ушбу чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади;

б) ЎзДЖТУ раҳбариятига тақдим қилинадиган буйруқлар, фармойишлар, шартномалар ва юридик тусдаги бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини уларнинг қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиш ҳамда улар бўйича эътироз ва таклифлар бўлмаса, виза қўяди. Бунда лойиҳаларга юридик хизмат томонидан ЎзДЖТУнинг бошқа таркибий тузилмаларидан (ходимларидан) кейин виза қўйилади;

в) жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга таъсир этадиган давлат органлари ва ташкилотларининг қарорлари юзасидан ҳулосалар беради;

г) мустақил равишда ёки бошқа тузилмалар билан биргаликда ЎзДЖТУнинг буйруқлари, фармойишлари, шартномалари ва юридик тусдаги бошқа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ўз кучини йукотган деб ҳисоблаш тўғрисида таклифлар тайёрлайди;

д) ЎзДЖТУда, шунингдек тегишли тузилмаларда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганади, таҳлил қилади ва умумлаштиради, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди ва раҳбариятга киритади;

е) ЎзДЖТУнинг бошқа тузилмалари билан биргаликда тегишли тузилмалар ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятида қонунийликнинг бузилиши кўрсатилган аризалар, таклифлар ва шикоятларни кўриб чиқишда иштирок этади;

ж) ЎзДЖТУда бошқарув тизимини такомиллаштириш, тизимига кирадиган тузилмалар ва уларнинг мансабдор шахсларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда иштирок этади;

з) ЎзДЖТУда меҳнат ҳақидаги қонунчиликка риоя этилишини таъминлашда, шу жумладан меҳнат муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатларни (меҳнат шартномаси, жамоа шартномаси, жамоа битими ва бошқаларни) ишлаб чиқишда иштирок этади, ушбу ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлигини текширади ва ҳуқуқий хулоса беради;

и) ЎзДЖТУ раҳбарияти фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш ахволи юзасидан ҳисобот такдим этади;

к) ЎзДЖТУ ходимларининг касаба уюшмалари ва бошқа вакиллик органларига ваколатларини амалга оширишда юридик ёрдам кўрсатади;

2) ЎзДЖТУ томонидан ишлаб чиқиладиган (қабул қилинаётган) норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлиги устидан назоратни олиб бориш, шунингдек давлат органи ва ташкилотининг қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифларни тайёрлаш масалаларида унинг тузилмалари ишини мувофиқлаштириш соҳасида:

2

а) ЎзДЖТУнинг норма ижодкорлиги фаолиятининг жорий ва истиқболли режаларини ишлаб чиқилишида, амалга оширилиши ва бажарилишини назорат қилишда иштирок этади;

б) ЎзДЖТУ ваколатига кирадиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

в) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича эътироз ва таклифлар бўлмаса, уларга виза кўяди. Бунда лойиҳаларга юридик хизмат томонидан ЎзДЖТУнинг бошқа таркибий тузилмаларидан (ходимларидан) кейин виза кўйилади;

г) тизимли равишда ЎзДЖТУнинг тегишли соҳа фаолиятидаги амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг уларда коррупцияга сабаб бўладиган омилларни аниқлашга қаратилган таҳлилни ўтказиши;

д) ЎзДЖТУ фаолияти соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда иштирок этади;

е) ЎзДЖТУга келиб тушган ва ўзи томонидан чиқарилган ҳужжатлар, шу жумладан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини белгиланган талабларга мувофиқ юритади, уларнинг сақланишини ва назорат ҳолатида бўлишини таъминлайди;

ж) ЎзДЖТУнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фондиди тўлдириш, шу жумладан фондни кодекслар, қонунлар, шарҳлар, ахборотномалар ва бонқа ҳуқуқий нашрлар билан бутлаш чораларини кўради, раҳбариятга ҳуқуқий нашрларга обуна бўлиш ҳақида таклифлар киритади;

з) ЎзДЖТУ тизимига кирадиган тузилмаларнинг ҳуқуқий ишларига методик ёрдам кўрсатади, юридик хизмат фаолияти йўналишлари бўйича тавсияномалар ва кўрсатмаларни ишлаб чиқади;

3) ЎзДЖТУ ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун ва ахамиятини, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали етказиш соҳасида:

а) ЎзДЖТУ раҳбарияти учун қонунчилик масалалари бўйича таҳлилий материаллар тайёрлайди;

б) ЎзДЖТУ, шунингдек унинг тизимига кирадиган тузилмалар ходимларининг ҳуқуқий билимларини ошириш тадбирларини ташкил этиш тўғрисида таклифлар киритади, ушбу тадбирларни ўтказишда иштирок этади;

в) ЎзДЖТУ фаолиятига тегишли қонунчиликни тарғиб қилиш ишларини амалга оширади;

г) зудлик билан ЎзДЖТУ ахборот хизмати веб-сайтига жойлаштириш мақсадида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг мазмун ва ахамияти тўғрисида маълумотлар киритади;

д) ЎзДЖТУ ходимларининг мурожаатлари бўйича уларга давлат органи ва ташкилоти фаолиятига тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни топишга кўмаклашади, зарур ҳолларда уларнинг қодалари бўйича тушунтиришлар беради;

е) қонунчиликка киритилган ўзгартиришлар ҳақидаги маълумотларни, суд амалиётини,

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ҳуқуқий ишларга тааллуқли кўрсатмаларини ЎзДЖТУ тизимиغا кирадиган тузилмаларга етказди;

4) шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритиш, ЎзДЖТУнинг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасида:

а) ЎзДЖТУ, шунингдек фуқаролар билан низолар вужудга келганда, мустақил ёки бошқа таркибий тузилмалар билан биргаликда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўради;

б) бошқа тузилмалар билан биргаликда ЎзДЖТУ томонидан шартномаларни тайёрлаш ва тузиш ишларида иштирок этади, уларнинг қонунчиликка мувофиқлигини текширади ҳамда шартномалар лойиҳаларига, агар эътироз ва таклифлар бўлмаса, виза қўяди. Бунда лойиҳаларга юридик хизмат томонидан ЎзДЖТУнинг бошқа таркибий тузилмаларидан (ҳодимларидан) кейин виза қўйилади;

в) шартномаларни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилади;

г) ЎзДЖТУ томонидан тузилган шартномаларни зарур даражада бажариш бўйича таклифлар киритади, шартномавий муносабатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишда иштирок этади;

д) ЎзДЖТУнинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича талабномалар тайёрлашда ва давлат органи ва ташкилотига нисбатан билдирилган талабномаларни кўриб чиқишда иштирок этади, талабномалар билдириш ва уларни кўриб чиқиш тартибига риоя этилишини назорат қилади;

е) тегишли тузилмалар билан биргаликда ЎзДЖТУнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ахволини ўрганади, уларнинг миқдорини камайтириш чораларини кўради;

ж) шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар юзасидан даъво ишларини олиб боради;

з) ЎзДЖТУнинг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлашда ҳамда белгиланган тартибда суд мажлисларида иштирок этади;

и) мулкни сақлаш масалалари бўйича ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлар лойиҳаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текширади ва уларни тайёрлашда иштирок этади;

к) бошқа таркибий тузилмалар билан биргаликда ЎзДЖТУда мулкнинг талон-тарож қилиниши, камомад ва ноишлаб чиқариш ҳаражатларининг келиб чиқиши сабаблари ва шароитларини таҳлил қилади ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўради, мулкнинг талон-тарож қилиниши ва камомад ҳолатлари бўйича материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юбориш учун расмийлаштиради;

л) моддий бойликлар ва пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек қонун бузилишлари ва суиистеъмоллар аниқланган аудиторлик текширувлари ва хатловдан ўтказиш далолатномалари бўйича ҳуқуқий хулосалар беради.

15. Юридик хизмат ва унинг ходимларига ушбу Низомда ёки бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган функциялар юклатилишига йўл қўйилмайди.

3-бўлим. Юридик хизматнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

16. Юридик хизмат қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ЎзДЖТУга келиб тушаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни танишиш, хизматда фойдаланиш ва уларнинг тизимлаштирилган ҳисобини юритиш учун биринчи навбатда олиш;

ЎзДЖТУ, шунингдек унинг тизимиغا кирадиган тузилмаларнинг мансабдор шахсларидан юридик хизматга юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни олиш;

раҳбарият томонидан чақириладиган ҳуқуқий масалаларга тегишли йиғилишлар, кенгашлар ва мажлисларда иштирок этиш;

раҳбарият топшириғига кўра ёки тегишли тузилма раҳбарининг розилиги билан уларнинг ходимларини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш учун, ҳуқуқий ишларни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа тадбирларга жалб қилиш;

қонунчиликка зид бўлган, қонунчилик техникаси талабларига жавоб бермайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини ижрочиларига пухта ишлаш учун қайтариш,

Ўз эътирозларини асослаган холда, аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида ҳуқуқий хулосалар бериш, раҳбарият топшириғига кўра ёки ўз ташаббуси билан бошқа тузилмалар билан биргаликда ушбу лойиҳаларни пухта ишланишида иштирок этиш;

ЎзДЖТУ тизимига кирадиган тузилмаларда қонун ҳужжатларига риоя қилиниши масалаларини ўрганиш;

ЎзДЖТУ, шунингдек унинг тизимига кирадиган тузилмаларнинг қонун ҳужжатлари бажарилишини таъминламаётган ёхуд уларни бузаётган раҳбарлари ва ходимларини жавобгарликка тортиш ҳақида раҳбариятга таклифлар киритиш;

ЎзДЖТУда, шунингдек унинг тизимига кирадиган тузилмаларда ёки ўтказиладиган текширишлар, тафтишлар ва хатловларда, шунингдек уларнинг яқунлари бўйича ҳужжатларни кўриб чиқишда иштирок этиш ҳамда аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан ҳуқуқий хулосалар бериш;

талабнома-даъво тартибда ЎзДЖТУ фойдасига ҳал қилинган низолар юзасидан ундирилган сумманинг 5 фоизи, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробардан кўп бўлмаган миқдорда мукофот олиш.

Юридик хизмат қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

17. Юридик хизмат:

унга ушбу Низом ва бошқа қонун ҳужжатлари билан юкланган функцияларни зарур даражада ва самарали бажариши;

ЎзДЖТУда, шунингдек унинг тизимига кирадиган тузилмаларда қонун бузилиши ҳолатлари аниқланганлиги тўғрисида зудлик билан тўғридан-тўғри юқори турувчи органга, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериши;

ЎзДЖТУ белгиланган тартибда ва муддатларда малака ошириши ва аттестациядан ўтиши шарт.

Юридик хизмат ходими қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

18. Юридик хизмат ўзи виза қўйган ҳужжатларнинг ва ўзи берган хулосаларнинг қонунчиликка мувофиқлиги учун жавоб беради.

Юридик хизмат ходими ўз мажбуриятлари ва функциялари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

4-бўлим. Ушбу Низомнинг бажарилишини назорат қилиш

19. Ушбу Низомга риоя этилишини назорат қилиш адлия органлари томонидан амалга оширилади.

Адлия органлари ўз ваколатлари доирасида ушбу Низом ва юридик хизматлар фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари талабларининг юридик хизмат ходимлари ва бошқа мансабдор шахслар томонидан бузилиши аниқланган ҳолатларини бартараф этишга, шунингдек айбдор шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортишга йуналтирилган чораларни кўради.

Адлия органлари юридик хизмат фаолиятига тегишли ҳужжатларни ва бошқа маълумотларни ЎзДЖТУдан сўраб олиш ҳуқуқига эга.

20. Адлия органлари ЎзДЖТУда ҳуқуқий ишларни мувофиқлаштиришни амалга оширади, уларни яхшилашга доир тавсиялар ишлаб чиқади, юридик хизматларга кўрсатмалар беради, шунингдек аниқланган тизимли камчиликларни бартараф этиш юзасидан методик ёрдам кўрсатади.

21. Ушбу Низом талабларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

БУЙРУҒИ

ЮРИДИК ХИЗМАТ ХОДИМИНИ ЛАВОЗИМГА ТАЙИНЛАШ ВА ОЗОД ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИНИ АДЛИЯ ОРГАНЛАРИ БИЛАН КЕЛИШИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 9-сон, 140-модда)
**[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 28
февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2864]**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сонли «Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги [қарорига](#) мувофиқ буюраман:

1. Юридик хизмат ходимини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш масалаларини адлия органлари билан келишиш тартиби тўғрисидаги низом [иловага](#) мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 28 февралдаги 50-мқ-сон «Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати ходими лавозимига тавсия этиладиган номзодларни адлия органлари билан келишиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги [буйруғи](#) (рўйхат рақами 2562, 2014 йил 28 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 9-сон, 100-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Б. Болиев) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

4. Ҳуқуқий тарғибот ва ахборот бошқармаси (А. Очилов) мазкур идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» – «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириди.

6. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Н. Жўраев зиммасига юклансин.

Вазир М. ИКРАМОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 28 февраль,
42-мқ-сон

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 28 февралдаги 42-мқ-сон [буйруғига](#)
ИЛОВА

ЮРИДИК ХИЗМАТ ХОДИМИНИ ЛАВОЗИМГА ТАЙИНЛАШ ВА ОЗОД ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИНИ АДЛИЯ ОРГАНЛАРИ БИЛАН КЕЛИШИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сонли «Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги [қарорига](#) мувофиқ, давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш

масалаларини мажбурий тартибда тегишлича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари (бундан буён матнда адлия органлари деб юритилади) билан келишиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом мақсадлари учун давлат органлари ва ташкилотлари деганда, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари (бундан буён матнда давлат органлари ва ташкилотлари деб юритилади) тушунилади.

2. Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати ходими лавозимига тайинлаш ва ундан озод этишга тақдим этилган номзодларни (бундан буён матнда номзод деб юритилади) адлия органлари билан келишиш уларнинг тавсия этилган лавозимга лаёқатини ва касбига муносиблигини аниқлаш, шунингдек юридик хизмат ходимларини ноқонуний таъсир кўрсатишдан ҳимоялаш мақсадида амалга оширилади.

3. Республика даражасидаги давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари юридик хизмати ходимлари лавозимга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, шунингдек ҳудудий давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати ходимлари лавозимга тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари билан келишилган ҳолда тайинланади ва озод қилинади.

2-боб. Юридик хизмат ходимларини лавозимга тайинлаш масалаларини келишиш

4. Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан юридик хизмат ходими лавозимига тайинлаш масаласини келишиш учун бир ёки ундан ортиқ номзодлар тавсия этилиши мумкин.

5. Давлат органлари ва ташкилотлари номзодни лавозимга тайинлаш масаласини келишиш учун тегишли адлия органига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

давлат органи ва ташкилоти раҳбарининг номзодни лавозимга тавсия этиш тўғрисидаги тақдимномаси;

номзоднинг ушбу Низомнинг [1](#) ва [2-иловаларига](#) мувофиқ шаклдаги анкетаси ва яқин қариндошлари ҳақидаги маълумот;

номзоднинг олий юридик маълумот тўғрисидаги дипломининг нотариал тасдиқланган нусхаси ёки олий юридик маълумоти тўғрисидаги дипломдан кўчирма – Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларини давлат гранти бўйича ўқиб тугатганлар учун. Агар номзод хорижда таълим олган бўлса, хорижда ўқишни тамомлаганлик тўғрисидаги ҳужжат ва ушбу ҳужжатнинг Ўзбекистон Республикасидаги ҳужжатга эквивалент деб топилганлиги тўғрисида ваколатли давлат органи томонидан берилган гувоҳноманинг нусхалари;

номзод меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси ёхуд ундан кўчирма, агар мавжуд бўлса.

Юридик хизмат ходими лавозимига келишиш учун бир ёки ундан

ортиқ номзодлар тавсия этилганда, мазкур ҳужжатлар ҳар бир номзод учун алоҳида тақдим этилади.

6. Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан тақдим этилган ҳужжатлар қайтариб берилмайди.

7. Юридик хизмат ходимини лавозимга тайинлашни келишиш масаласини кўриб чиқишда номзод билан суҳбат ўтказилади.

8. Суҳбат адлия органларида ташкил этиладиган комиссиялар томонидан ўтказилади. Комиссиялар таркиби тегишли адлия органи раҳбари томонидан камида беш кишидан, яъни раис, унинг ўринбосари ва аъзоларидан иборат таркибда тасдиқланади.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида вазирнинг соҳа бўйича масъул ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида эса, тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазири ва адлия бошқармаси бошлиғи комиссия раиси ҳисобланади.

10. Комиссиялар фаолиятини ташкил қилиш бўйича ташкилий масалалар ишчи органлар томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Юридик хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва методик таъминлаш бошқармаси ва унинг шўъбалари тегишли комиссияларнинг ишчи органи ҳисобланади.

11. Келишиш ҳужжатлар тегишли адлия органига келиб тушган санадан бошлаб бир ой ичида амалга оширилади.

12. Ишчи орган томонидан ҳужжатларни кўриб чиқиш жараёнида камчиликлар аниқланмаса, номзодни тавсия этган давлат органи ва ташкилотига суҳбат ўтказилишидан камида уч кун олдин суҳбат ўтказиладиган кун, вақт ва жой ҳақида хабар берилади.

13. Ҳужжатларда камчиликлар мавжудлиги аниқланган тақдирда, улар тегишли адлия органига келиб тушган санадан бошлаб беш иш куни ичида ишчи орган томонидан камчиликлар кўрсатилган ҳолда номзодни тавсия этган давлат органи ва ташкилотига хабар юборилади.

14. Ҳужжатларни кўрсатилган камчиликларни бартараф қилган ҳолда такроран юборишда ушбу Низомнинг [5-бандида](#) назарда тутилган ҳужжатлар такроран тақдим қилинади.

15. Комиссия ишида аъзоларнинг камида ярми иштирок этган тақдирда, ваколатли ҳисобланади.

16. Номзод билан унинг касб фаолиятига боғлиқ бўлган қонунчилик соҳалари, шу жумладан конституциявий ҳуқуқ, фуқаролик ҳуқуқи ва меҳнат ҳуқуқи соҳалари, шартномавий-ҳуқуқий фаолият ва суд ишларини юритиш асослари бўйича суҳбат ўтказилади.

17. Суҳбат натижалари мазкур Низомнинг [3-иловасига](#) мувофиқ шаклдаги суҳбат ўтказиш варақасида акс эттирилади. Суҳбат ўтказиш варақасида комиссия аъзолари томонидан берилган саволларнинг жавоби «тўғри», «нотўғри», «тўлиқ эмас» ёки «жавоб берилмади» шаклида баҳоланади.

18. Комиссия аъзолари номзоднинг билими, шунингдек иш тажрибасини ҳисобга олиб, уни суҳбатдан ўтган ёки ўтмаган деб топиш ҳақида қарор қабул қилади. Мазкур қарор комиссия

аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Узрсиз равишда суҳбатга келмаган номзодлар суҳбатдан ўтмаган деб топилади ва бу ҳақда ишчи орган томонидан номзодни тавсия этган давлат органи ва ташкилотига маълум қилинади.

19. Суҳбат натижаларига кўра номзоднинг суҳбатдан ўтганлиги ёки ўтмаганлиги ҳолати бўйича ишчи орган уч иш куни ичида номзодни тавсия этган давлат органи ва ташкилотини хабардор қилади.

20. Номзод суҳбатдан ўтмаган деб топилган тақдирда, давлат органи ва ташкилоти бир ой муддат ичида такроран бошқа номзодни тавсия этиши мумкин. Такроран тавсия этилган номзодлар ҳам суҳбатдан ўтмаган деб топилган тақдирда, тегишли адлия органи ўн кун муддатда кўриб чиқилиши мажбурий бўлган муқобил номзодларни давлат органи ва ташкилотига тақдим этишга ҳақли.

21. Суҳбатдан ўта олмаган номзодлар уч ойдан сўнг, умумий асосларда тегишли лавозимга қайта тавсия этилиши мумкин.

22. Юридик хизмат ходими лавозимига тайинлаш учун келишишга бир шахснинг номзоди айнан бир лавозимга икки мартадан ортиқ кўрсатилишига йўл қўйилмайди.

3-боб. Юридик хизмат ходимларини лавозимдан озод этиш масалаларини келишиш

23. Юридик хизмат ходимларини лавозимидан озод этишни келишиш учун давлат органи ва ташкилоти томонидан адлия органларига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

давлат органи ва ташкилоти раҳбарининг юридик хизмат ходимини лавозимидан озод этиш ҳақидаги тақдимномаси, ушбу тақдимномада ходимни лавозимидан озод этиш сабаблари, мотивлари ва бошқа маълумотлар кўрсатилади;

юридик хизмат ходими меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси ёхуд ундан кўчирма;

юридик хизмат ходимининг аризаси – меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилишда;

юридик хизмат ходимини лавозимидан озод этиш сабабларини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар.

Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан тақдим этилган ҳужжатлар қайтариб берилмайди.

24. Юридик хизмат ходимларини лавозимдан озод этиш масалаларини келишиш мазкур Низомда белгиланган юридик хизмат ходимларини лавозимга тайинлаш масаласини келишиш тартибида амалга оширилади. Бунда ходим билан суҳбат ишчи орган томонидан зарур деб топилган ҳоллардагина ўтказилади.

Ходим ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилинаётган бўлса, мазкур масаланинг комиссия томонидан кўриб чиқилиши талаб этилмайди.

Юридик хизмат ходимини лавозимидан озод этишнинг келишилганлиги ёки келишилмаганлиги (сабаблари кўрсатилган ҳолда) ҳақида тегишли адлия органи томонидан давлат органи ва ташкилоти ёзма равишда хабардор қилинади.

25. Зарур ҳолларда, адлия органлари томонидан юридик

хизмат ходимини лавозимидан озод этиш масаласига доир қўшимча ҳужжатлар талаб қилиниши ҳамда юридик хизмат ходими билан суҳбат ўтказилиши мумкин.

26. Қуйидагилар юридик хизмат ходимини лавозимидан озод этишни келишишни рад этиш учун асос бўлади:

юридик хизмат ходимини лавозимидан озод этиш учун сабаблар етарли эмас деб топилганда;

юридик хизмат ходимининг зиммасига юклатилган вазифалардан келиб чиқмайдиган ишларни бажармаганлиги ёки уни ўзига юклатилган мажбуриятларини бажарганлиги учун таъқиб қилинганлиги ҳолати аниқланганда.

27. Мазкур Низомнинг 26-банди учинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, давлат органи ва ташкилотида тегишли адлия органи томонидан хизмат текшируви ўтказилиши мумкин.

28. Хизмат текширувини ўтказиш учун асос бўлган ҳолат ўз исботини топганда, тегишли адлия органи давлат органи ва ташкилотининг айбдор мансабдор шахсларини белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш чораларини кўради.

4-боб. Яқуний қоидалар

29. Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш масалаларини келишиш билан боғлиқ барча ҳужжатлар тегишли адлия органида сақланади.

30. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

31. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

Меҳнат вазири А. АБДУХАКИМОВ

2017 йил 28 февраль

**Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Қ.
РАФИКОВ**

2017 йил 28 февраль

Юридик хизмат ходимини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш масалаларини адлия органлари билан келишиш тартиби тўғрисидаги низомга

1-ИЛОВА

**Адлия органларига келишиш учун тавсия
этилган номзоднинг
АНКЕТАСИ**

*3 x 4 см ўлчамли
фотосурат учун
жой*

1. Фамилияси _____
Исми _____
Отасининг исми _____
2. Тутилган санаси (кун, ой ва йил) _____
3. Паспорт серияси ва рақами, берилган вақти ва уни берган органнинг номи: _____
-
4. Яшаш жойи
вилоят _____ шаҳар (туман) _____
кўча _____ уй, квартира рақами _____
телефон _____ факс _____
5. Маълумоти _____
Тамомлаган таълим муассасасининг номи _____
Мутахассислиги _____ Тамомлаган йили _____
6. Меҳнат фаолияти:

Т/р	Ой ва йил		Лавозими (ташкилот кўрсатилган ҳолда)	Ташкилот жойлашган ер
	ишга қирган вақти	индан бўшаган вақти		

7. Юридик хизмат ходими сифатидаги меҳнат фаолияти

Т/р	Ой ва йил		Лавозими (ташкилот кўрсатилган ҳолда)	Ташкилот жойлашган ер
	тайинланган вақти	озод қилинган вақти		

Тўлдирилган санаси _____

Шахсий имзо _____

Юридик хизмат ходимини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш масалаларини адлия
органлари билан келишиш тартиби тўғрисидаги [низомига](#)
2-ИЛОВА

**Адлия органларига келишиш учун тавсия этилган номзоднинг яқин
қариндошлари ҳақида
МАЪЛУМОТ**

Т/р	Ф.И.О.	Қариндошлиги	Тутилган йили ва жойи	Иш жойи ва лавозими	Яшаш жойи

Яқин қариндошларимнинг рўйхатини тўлиқ ва тўғрилигини тасдиқлайман:

Номзод:

(Ф.И.О., имзо)

**Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати ходими
лавозимига тавсия этилган номзод билан суҳбат ўтказиш
ВАРАҚАСИ**

1. Фамилияси, исми, отасининг исми _____
2. Туғилган йили (санаси) _____
3. Маълумоти _____
4. Мутахассислиги _____
5. Умумий иш стажи _____, шу жумладан юридик мутахассислик бўйича _____
6. Бошқа маълумотлар: _____

7. Номзодга берилган саволлар ва уларнинг жавоблари: _____

8. Номзоднинг эътирозлари ва таклифлари: _____

9. Овоз бериш натижалари:
ёклаганлар _____
қаршилар _____

10. Суҳбат ўтказилган сана: _____

11. Ўтказилган суҳбат натижалари бўйича хулоса: _____

Комиссия раиси _____
(Ф.И.О., имзо)

Комиссия раисининг ўринбосари _____
(Ф.И.О., имзо)

Комиссия аъзолари:

1. _____
(Ф.И.О., имзо)
2. _____
(Ф.И.О., имзо)
3. _____
(Ф.И.О., имзо)

Ишчи орган масъул ходими _____
(Ф.И.О., имзо)

Суҳбат варақаси билан танишдим: _____
(сана ва номзоднинг имзоси)

БУЙРУҒИ

ЮРИДИК ХИЗМАТ ХОДИМИНИНГ ИШ ЖОЙИНИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ЖИҲАТИДАН ЖИҲОЗЛАШГА ДОИР МИНИМАЛ ТАЛАБЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 9-сон, 139-модда)

**[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 28
февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2863]**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сонли «Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 7-бандига мувофиқ буюраман:

1. Юридик хизмат ходимининг иш жойини моддий-техника жиҳатидан жиҳозлашга доир минимал талаблар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Б. Болиев) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Ҳуқуқий тарғибот ва ахборот бошқармаси (А. Очиллов) мазкур идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» – «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

4. Юридик хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва методик таъминлаш бошқармаси (Ш. Саидов) тегишли давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари вакиллари иштирокида бир ойлик муддатда Юридик хизмат ходимининг иш жойини моддий-техника жиҳатидан жиҳозлашга доир минимал талабларни тушунтириш бўйича тарғибот ишларини амалга оширсин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

Вазир М. ИКРАМОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 28 февраль,
41-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 28 февралдаги 41-мҳ-
сон буйруғига
ИЛОВА

Юридик хизмат ходимининг иш жойини моддий-техника жиҳатидан жиҳозлашга доир минимал талаблар

Мазкур Минимал талаблар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сонли «Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 7-бандига мувофиқ давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати (бундан буён матнда давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати деб юритилади) ходимларининг иш жойини моддий-техника жиҳатидан жиҳозлашга доир минимал талабларни белгилайди.

1. Юридик департамент ва юридик бошқарма шаклидаги давлат

органлари ва ташкилотлари юридик хизмати учун қуйидаги зарур шарт-шароитлар яратилиши лозим:

2 ёки 3 та алоҳида хизмат хонаси;

ҳар бир ходим учун алоҳида мебель жиҳозлари (стол, стуллар ва шкаф);

3 та сейф ёки металл шкаф;

ҳар бир ходим учун алоҳида замонавий компьютер техникаси;

1 та сканер, 1 та нусха кўчирувчи аппарат, 4 та принтер;

ҳар бир компьютер учун алоҳида UPS қурилмаси;

телефон алоқаси, 1 та факс аппарати, ҳар бир ходим учун алоҳида телефон аппарати;

интернет тармоғи;

канцелярия анжомлари (сони ва миқдори заруриятга кўра).

2. Юридик бўлим шаклидаги давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати учун қуйидаги зарур шарт-шароитлар яратилиши лозим:

1 ёки 2 та алоҳида хизмат хонаси;

ҳар бир ходим учун алоҳида мебель жиҳозлари (стол, стуллар ва шкаф);

2 та сейф ёки металл шкаф;

ҳар бир ходим учун алоҳида замонавий компьютер техникаси;

1 та сканер, 1 та нусха кўчирувчи аппарат, 2 та принтер;

ҳар бир компьютер учун алоҳида UPS қурилмаси;

телефон алоқаси, 1 та факс аппарати, ҳар бир ходим учун алоҳида телефон аппарати;

интернет тармоғи;

канцелярия анжомлари (сони ва миқдори заруриятга кўра).

3. Юридик бюро шаклидаги давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати учун қуйидаги зарур шарт-шароитлар яратилиши лозим:

1 та алоҳида хизмат хонаси;

ҳар бир ходим учун алоҳида мебель жиҳозлари (стол, стуллар ва шкаф);

1 та сейф ёки металл шкаф;

ҳар бир ходим учун алоҳида замонавий компьютер техникаси;

1 та сканер, 1 та нусха кўчирувчи аппарат, 1 та принтер;

ҳар бир компьютер учун алоҳида UPS қурилмаси;

телефон алоқаси, 1 та факс аппарати, ҳар бир ходим учун алоҳида телефон аппарати;

интернет тармоғи;

канцелярия анжомлари (сони ва миқдори заруриятга кўра).

4. Битта штатдан иборат бош юрисконсулт, етакчи юрисконсулт, катта юрисконсулт ёки юрисконсулт шаклидаги давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати учун қуйидаги зарур шарт-шароитлар яратилиши лозим:

1 та алоҳида хизмат хонаси;

мебель жиҳозлари (стол, стуллар ва шкаф);

1 та сейф ёки металл шкаф;

замонавий компьютер техникаси;

1 та сканер, 1 та нусха кўчирувчи аппарат, 1 та принтер;

UPS қурилмаси;

телефон алоқаси, 1 та факс аппарати, телефон аппарати;
интернет тармоғи;

канцелярия анжомлари (сони ва миқдори заруриятга кўра).

5. Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати учун қуйидагиларни ўзида мужассам этган қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фонди яратилиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси кодексларининг расмий нашрлари;

«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тўплами» расмий нашрлари;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси тизимидан узлуксиз фойдаланиш имконияти;

ҳуқуқий нашрлар ва бошқа юридик адабиётлар (сони ва миқдори заруриятга кўра).

6. Давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг раҳбарлари юридик хизмат фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратилиши учун шахсан жавобгар бўлади.

7. Давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлар ўз маблағлари ҳисобидан юридик хизмат ходимлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича мазкур Минимал талабларда назарда тутилмаган бошқа шарт-шароитларни ҳам яратиши мумкин.

8. Мазкур Минимал талаблар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги билан келишилган.

Меҳнат вазири А. АБДУХАКИМОВ

2017 йил 28 февраль